

658(043.3)

А-58

658.01
+ 338.45 *ц*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўл ёзма ҳуқуқида
УДК:658.01.+338.45:67/68 (575.1)

АМОНБОЕВ МАҲАММАДСИДИК

**КОРПОРАТИВ КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ИННОВАЦИОН
БОШҚАРИШ ШАРОИТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ
МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ АСОСИЙ
ЙЎНАЛИШЛАРИ
(“Ўзбекенгилсаноят” ДАК мисолида)**

08.00.13 – Менежмент ва маркетинг

Иқтисод фанлари номзоди
илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2011

658 (043.3)

658.01

+ 338.45

A58

Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Корпоратив бошқарув” кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар:

иқтисод фанлари доктори, профессор
Бекмуродов Адхам Шарипович

Расмий оппонентлар:

иқтисод фанлари доктори
Суюнов Далмурод Холмуродович,

иқтисод фанлари номзоди, доцент
Саидов Маъжъал Самадович.

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Давлат
мулкни бошқариш давлат қўмитаси


Ҳимоя 2011 йил “4” ноябр соат 9⁰⁰ да Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.067.06.01 рақамли Иқтисослашган кенгашнинг мажлисида бўлади.

Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси 49-уй.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2011 йил “5” октябр да тарқатилди.

Иқтисослашган кенгаш
илмий котиби, иқтисод
фанлари доктори, профессор



Б.Б. Беркханов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда мустақил тараққиётнинг дастлабки босқичларидаёқ иктисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш орқали турли мулкчилик ва хўжалик юретиш шаклларига асосланган корхона ва бирлашмалар фаолиятини янада ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Натижада, “бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иктисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инкирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустақкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди”¹.

Эндиликда миллий ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматлар экспорти ҳажмини янада кенгайтириш, жаҳон бозорларида муносиб, барқарор мавқе ва ўрин эгаллаш, иктисодий ресурс ва салоҳиятимиздан тўлиқ фойдаланиш мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш, иктисодиётни ҳар томонлама диверсификациялаш жараёнларини тақозо этади. Ҳозирда нафақат ишлаб чиқариш, балки бошқарув жараёнларида ҳам инновацион ёндашувни қўллашнинг аҳамияти ва зарурлиги тобора кучайиб бормоқда. Айниқса, корпоратив бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, хўжалик бошқаруви қарорларини қабул қилишда янгича усул ва воситаларнинг қўлланиши ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим шартига айланиб бормоқда. “Шу муносабат билан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунни танқидий қайта кўриб, янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда унда корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини янада аниқ белгилаш лозим. Ушбу қонундаги акциядорлик жамиятларининг Кузатувчилар кенгашлари, умумий йиғилишлари, тафтиш комиссияларининг роли ва аҳамиятини ошириш, миноритар, яъни кўлида акцияси кам бўлган акциядорларнинг қафолатларини кўпроқ таъминлаш, барча акциядорлар ва бўлажак инвесторларнинг акциядорлик компаниялари фаолияти тўғрисида ахборот олиш имкониятларини кенгайтиришни кўзда тутиш айни муддао бўлур эди”². Янги техник ва ташкилий-технологик ечимларнинг ишлаб чиқилиши, уларни қўллаш бўйича қарорларнинг қабул қилиниши, корпоратив корхоналар инновацион бошқаруви асосий тамойилларининг такомиллаштирилиши такрор ишлаб чиқариш жараёнларини янгилаш ҳамда иктисодий ўсиш учун қўшимча имконият яратади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, яъни ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий

¹Каримов И.А. Жаҳон-миллий иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг ёўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 31-б.

²Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т. Ўзбекистон, 2010, 50-51-б.

жихатдан янгилаш, таркибий жихатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараёнинг самарадорлигига корхоналарнинг инновацион бошқарув тизими ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Айниқса, корхоналар ишлаб чиқариш жараёнидан эскирган асбоб-ускуналарни чиқариш; ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологиялар билан чиқозлаш; маҳаллий ресурслар асосида ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш; ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва ресурсларни тежаш; сифатни бошқариш ва сертификатлаш тизимини жорий этиш; чикитсиз ва экологик тоза технологияларни жорий этиш каби модернизациялашнинг асосий йўналиш ва воситаларини амалга ошириш корпоратив корхоналарда ўзига хос хусусиятларни намён этади.

Бу эса, корпоратив корхоналар фаолиятини инновацион бошқариш шароитида ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг асосий йўналишлари ҳамда уларни янада такомиллаштириш йўллари тадқиқ этишга қаратилган маъруза илмий тадқиқот мавзусининг долзарблигини кўрсатади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Корпоратив корхоналарни инновацион бошқаруви ҳамда уни самарали ташкил этишнинг ўзига хос жихатлари хорижий мамлакатлар иқтисодчи олимлари, жумладан, И.Ансофф, В.Антонов, И.Иванов, Е.Иванова, В.Ковалёв, В.Крылов, А.Кузьмичев, Г.Минз, И.Храброва, Л.Шишкина ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган³.

Шунингдек, Ўзбекистонда корпоратив тузилмалар бошқарувининг ташкилий-иқтисодий масалалари, улар самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлар А.Ш.Бекмуратов, Б.Б.Беркинов, М.Р.Болтабоев, Ш.Н.Зайнулдинов, Н.М.Расулов, Д.Н.Раҳимова, Д.Х.Суюнов, Ф.Я.Умаров, А.А.Хашимов, Б.Ю.Ходиев, Д.С.Қосимова ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган⁴.

³ Ансофф И. Новая корпоративная стратегия / под ред. Ю.Н.Каптуренко-го. - СПб: «Питер», 1999. - 416 с.; Антонов В.Г., Крылов В.В., Кузьмичев А.Ю. и др. Корпоративное управление: учебное пособие / под ред. В.Г.Антонова. - М.: ИД "ФОРУМ": ИНФРА-М, 2010. - 288 с.; Иванов И.Н. Менеджмент корпорации: Учебник. - М.: ИНФРА-М, 2004. - 368 с.; Иванова Е.А., Шишкина Л.В. Корпоративное управление: учебное пособие / под ред. проф. В.Ю. Наливайского. - Ростов н.д.: "Финикс", 2007. - 256 с.; Ковалёв В.Р. Корпоративное управление в России: теория, структура и новые стратегии развития. Специальность 08.00.05 - Экономика и управление народным хозяйством. Дисс. на соиск. учен. степ. д.э.н. - Санкт-Петербург, 2004. - 285 с.; Корпоративная стратегия: Пер. англ. - М.: Алпина Бизнес Букс, 2008. - 266 с.; Храброва И.А. Корпоративное управление: вопросы интеграции. Аффинированные лица, организационное проектирование, интеграционная динамика: - М.: ИД «Альпина», 2000. - 198 с.

⁴ Бекмуратов А.Ш., Янг Сон Ё. Стратегия развития текстильной промышленности Узбекистана: Ключевые подходы. Монография. - Т.: ТГЭУ, 2006. - 112 с.; Беркинов Б.Б. Корпоративные структуры (основы создания и управления). - Т.: Изд-во Нац. биб-ки Узбекистана им. Алишера Навои, 2005. - 132 с.; Болтабоев М.Р. Узбекистан Республикаси тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантиришда икратинг стратегияси: Икт. фан. док. дисс. автореф. - Т.: ТДИУ, 2005. - 35 б.; Зайнулдинов Ш.Н., Алпуров З.А. Корпоратив бошқарув. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2010. - 112 б.; Расулов М.Н. Корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш натижасида корхоналар ривожланиш самарадорлигини ошириш (Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналари материаллари мисолида). И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. - Т., 2010. - 161 б.; Замонавий менеджмент: назария ва амалёт / Д.Н.Раҳимова ва бошқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Даавлат ва жаҳонат қурилиш академияси. - Т.: Гафур Ғўлом номидаги нашриёт-маъбаа ижодий уйи, 2009. - 792 б.; Суюнов Д.Х. Бизнес муҳитининг ривожланган корпоратив бошқарув механизмларини жорий этишнинг такомиллаштириш. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. - Т., 2008. - 261 б.; Хашимов А.А. Ўзбекистонда интеграциялашган корпоратив тузилмаларни

Модернизациялаш жараёнларининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий мазмуни ва жиҳатлари Э.Дюркгейм, М.Вебер, С.Вебра, Л.Пай, Е.Е.Румянцева, Р.Нуреев каби олимлар томонидан тадқиқ этилган⁵. Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш масалалари Президент И.А.Каримовнинг кўплаб асар ва маърузаларида кенг баён этилган⁶. Узвий равишда мазкур масалалар Г.К.Саидова, Б.Ю.Ходиев, Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Ғафуров, Х.П.Абулкасимов каби олим ва мутахассисларнинг илмий тадқиқотларида ўз ифодасини топган⁷.

Бирок, юқорида таъкидлаб ўтилган илмий тадқиқот ва ишланмаларнинг аксарияти корпоратив бошқарув ҳамда иқтисодиётни модернизациялаш жараёнларининг умумий масалаларига бағишланган бўлиб, ушбу жараёнларнинг корпоратив корхоналар фаолиятини инновацион бошқариш шароитида амалга оширилиш хусусиятлари етарли даражада тадқиқ этилмаган. Айниқса, бугунги кунга қадар бу борадаги диссертация тадқиқотларининг олиб борилмаганлиги мазкур тадқиқот ишининг аҳамиятини янада оширади.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Корпоратив бошқарув” кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режаси асосида бажарилган.

Тадқиқот мақсади: корпоратив корхоналар фаолиятини инновацион бошқариш шароитида ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнларини назарий ва услубий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқот вазифалари. Тадқиқот мақсадига эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

бошқариш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2007. – 338 б.; Ходиев Б.Ю., Беркинов Б.Б. Корпоратив бошқарув. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси Адабиёт жамғармаси “ADIB” нашриёти, 2010. – 792 б.; Қосимова Д.С. “Ўзбекнефтгаз” МХК ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланишни бошқариш. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2006. – 261 с.

⁵Дюркгейм Э. О разделении общественного труда. Метод социологии. – Л.; М., 1991; Вебер М. Политика как призвание и профессия //Антология мировой политической мысли: в 5 томах: Учебное пособие. М., 1997; Румянцева Е.Е. Новая экономическая энциклопедия. 3-е изд. – М.: ИНФРА-М, 2008. – VI, 826 с.; Нуреев Р. Модернизация экономики: концепция и средства. - <http://www.socb.ru>.

⁶ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.; Каримов И.А. Мамлакатимизда модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби - Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль; Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. - Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь; Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.; Каримов И.А. Бедра режа ва дастурларнинг ятавжиман тарқоқилини юксалтириш, халқимиз фароқчилигини оптимизга келтириш. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.

⁷ Саидова Г. Модернизация, техническое обновление и диверсификация производства, широкое внедрение инновационных технологий – необходимое условие выхода Узбекистана на новые рубежи на мировом рынке / «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» маърузасидаги Республика илмий-амалий анжуманидаги тақдирот материаллари. – Т., ТДИУ, 2009 йил 5 май; Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Мамлакатни жадал сулоҳ этиш ва модернизация қилиш – миллий тарққибга эришишнинг мангидий босқичи: Илмий-олимпиабаон рисола. – Т.: ТДИУ, 2008. – 53 б.; Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. Ўзбекистон иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқич йўлида. – Т.: Иқтисодиёт, 2008. – 126 б. Абулкасимов Х.П. Приоритеты реформирования и модернизация экономики Республики Узбекистан. –Т.: Молия, 2010. – 84 с.

- корпоратив корхоналар фаолиятини инновацион бошқариш шароитида ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнларининг илмий-назарий жиҳатларини ўрганиш ва ривожлантириш;

- корпоратив корхоналар фаолиятини инновацион бошқариш шароитида ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнлари самарадорлигини баҳолашнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш;

- “Ўзбекенгилсаноат” ДАК фаолиятини инновацион бошқариш шароитида ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнларини амалга ошириш бошқичлари ва натижаларини баҳолаш орқали уларнинг ташкилий-бошқарув механизмларини такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш;

- “Ўзбекенгилсаноат” ДАК фаолиятини модернизациялаш стратегиясини ишлаб чиқиш ва татбиқ этишда корпоратив бошқарув механизмларидан фойдаланиш даражасини баҳолаш;

- “Ўзбекенгилсаноат” ДАКда корпоратив бошқарувнинг инновацион усулларини жорий этиш орқали модернизациялаш жараёнларининг самарадорлигини ошириш бўйича тақлифларни илмий асослаш;

- “Ўзбекенгилсаноат” ДАК фаолиятида модернизациялаш жараёнларининг мунтазам амал қилишини таъминловчи иқтисодий механизмларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш йўллари аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. “Ўзбекенгилсаноат” ДАК тизимидаги корхоналарни модернизациялашни самарали ташкил этишда корпоратив бошқарув фаолияти тадқиқот объекти ҳисобланади. Корпоратив корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизациялашни инновацион бошқариш жараёнлари тадқиқот предмети ҳисобланади.

Тадқиқот методлари: илмий мушоҳадалаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, монографик тадқиқ этиш, ижтимоий сўров ўтказиш, таққослаш, иқтисодий-математик усуллар.

Тадқиқотнинг гипотезаси. Корпоратив корхоналарда инновацион бошқаришнинг муҳим таркибий қисми сифатидаги корпоратив муносабатлар субъектларининг иқтисодий манфаатлари уйғунлигини таъминлаш орқали ишлаб чиқаришни модернизациялаш самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

Ҳямоёга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- корпоратив корхоналарда модернизациялаш жараёнларини амалга оширишнинг мантиқий модели;

- корпоратив корхоналарда модернизациялаш жараёнларини бошқариш самарадорлигини баҳолашни амалга ошириш кетма-кетлиги;

- корпоратив корхоналарда модернизациялаш жараёнларини бошқариш самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатувчи бирламчи-оралик ва пировард кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда изчиллиги матрицаси;

- корпоратив корхоналарда модернизациялаш жараёнларининг мунтазам амал қилишини таъминловчи инновацион бошқарув механизми.

Илмий янгилиги: республика енгил санаот тармоғи корхоналарида корпоратив корхоналар фаолиятини инновацион бошқариш шароитида ишлаб

чиқаришни модернизациялашни назарий ва услубий жиҳатдан тадқиқ этиш натижасида унинг асосий йўналишларини амалий жиҳатдан асослаш ҳисобланади.

Диссертация ишининг илмий янгиликларга молик асосий натижалари куйидагилардан иборат:

- корпоратив бошқарув тизими шароитида корхоналарни модернизациялаш жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришдаги ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда таҳлилий ишлар, назарий қондалар ва услубий масалаларни ўрганиш асосида корпоратив корхоналарда модернизациялаш жараёнларини амалга оширишнинг мантикий модели тавсия этилди;

- корпоратив корхоналарда модернизациялаш жараёнларини бошқариш самарадорлигини баҳолашда мазкур жараённи амалга оширишнинг услубий асослари ишлаб чиқилди;

- корпоратив корхоналарда модернизациялаш жараёнларини бошқариш самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатувчи бирламчи-оралик ва пировард кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда изчиллиги матрицаси ишлаб чиқилди;

- корпоратив корхоналарни модернизациялаш жараёнларини иқтисодий жиҳатдан баҳолаш мақсадида бошқарув самарадорлигини инфодаловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари тавсия этилди;

- енгил саноат корхоналарида модернизациялаш жараёнларини амалга оширишда турли омиллар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик орқали келтириб чиқарилган регрессия тенгламаси асосида иқтисодий кўрсаткичларнинг истикбол ҳажми аниқланди;

- “Ўзбекенгилсаноат” ДАК фаолиятида модернизациялаш жараёнларининг мунтазам амал қилишни таъминловчи яхлит иқтисодий механизмнинг мазмуни ва амал қилиш тамойиллари очиб берилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда ишлаб чиқилган корпоратив корхоналар фаолиятини инновацион бошқариш шароитида ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнлари самарадорлигини ошириш юзасидан илмий тавсиялардан корпоратив тузилмаларда модернизациялаш жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш, хусусан, модернизациялаш дастурларини тузиш ва амалга оширишда, “Ўзбекенгилсаноат” ДАКда ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг самарадорлигини оширишда кенг фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқот жараёнида олинган назарий ва амалий натижалар, таҳлилий маълумотларни “Корпоратив бошқарув”, “Инновацион менежмент” каби фанларни ўқитиш жараёнларини услубий таъминлашда қўллаш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертациянинг натижалари бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Тошкент давлат иқтисодийёт университетида ўқув жараёнида фойдаланиш (№01-сонли 3.01.2011) ва “Ўзбекенгилсаноат” ДАКда ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнида қўллаш учун (№086/01-сонли 4.01.2011), Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси томонидан № 01-01/896-сонли

10.06.2011) ҳамда Британия кенгашининг INSPIRE дастури асосида ТДИУ ва БАТТ (Англия) университетлари ҳамкорлигидаги “Корпоратив молиявий менежмент” лойиҳасининг бажарилишида қўллаш учун далолатномалар (№1-сонли 03.05.2011) асосида қабул қилинган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертациянинг асосий хулоса ва натижалари “Миллий валюта барқарорлиги ва иқтисодий ўсишнинг ўзаро алоқадорлиги ва таъсири” (Тошкент, ТДИУ, 2009), Халқаро Плеханов ўқишларида (Г.В.Плеханов номидаги РИА, Москва, 2009) “Ўзбекистонда самарали корпоратив бошқарув амалиётини жорий қилиш муаммолари” (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ДЖКА қошидаги Корпоратив бошқарув маркази, Тошкент, 2009), “Иқтисодий эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида иқтисодий тармоқларини барқарор ривожлантириш: ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари” (Тошкент, ТДИУ, 2009), “Мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда солиқ тизимининг ролини ошириш масалалари” (Тошкент, ТДИУ, 2011), “Иқтисодий ўсиш ва иқтисодий мувозанатли ривожлантиришнинг муҳим омиллари” (Тошкент, ЎЗМУ, 2011), “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик социал-иқтисодий юксалиш омили” (Фаргона, ФарДУ, 2011), “Иқтисодий модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: муаммолар, ривожланиш истиқболлари” (Тошкент, ТДИУ, ЎЗМУ, ЎР ФА 2011), “Ideas for Business” – cooperation between Tashkent State University of Economics and the University of Bath under the british Council “Inspire” project. Published at the University of Bath (Тошкент, ТДИУ, 2011) мавзусидаги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманларида муҳокама этилган ва маъқулланган.

Шунингдек диссертация иши Тошкент давлат иқтисодий университетининг “Корпоратив бошқарув” кафедрасида, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг “Маркетинг ва иқтисодий назарияси”, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” ва “Менежмент” кафедраларининг қўшма мажлисида ҳамда Д.067.06.01 рақамли Ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинарда муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Илмий ишнинг асосий натижалари бўйича умумий ҳажми 2 босма табоқ бўлган 4 та илмий мақола ва 9 та тезислар chop этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, унинг умумий ҳажми 174 бетдан иборат, 34 та жадвал ва 26 та расми ўз ичига олган.

Диссертациянинг “Корпоратив корхоналар фаолиятини инновацион бошқариш ҳамда модернизациялашнинг назарий-услубий асослари” деб номланган биринчи бобида корпоратив корхоналар фаолиятини инновацион бошқариш ва модернизациялаш жараёнларининг иқтисодий мазмуни ҳамда ўзаро боғлиқлиги, корпоратив корхоналарда инновацион бошқариш ва модернизациялаш жараёнларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари

очиб берилган, модернизациялаш жараёнларини бошқариш самарадорлигини баҳолашнинг услубий асослари ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг “Ҳозирги шароитда Ўзбекистон енгил саноат тармоғида корпоратив корхоналар фаолиятини модернизациялаш жараёнларининг таҳлили” деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистон Республикаси енгил саноатида корпоратив бошқарув тизимини шакллантиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари баён этилган, “Ўзбекенгилсаноат” ДАКда модернизациялаш жараёнларини самарали ташкил этишда корпоратив бошқарув механизмларидан фойдаланиш даражаси ҳамда республика енгил саноатида модернизациялаш жараёнларини амалга оширишнинг асосий йўналишлари ва натижалари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг “Ўзбекистонда корпоратив корхоналар фаолиятини модернизациялаш жараёнларини янада жадаллаштириш йўллари” деб номланган учинчи бобида корпоратив бошқарувнинг инновацион усулларини жорий этиш орқали модернизациялаш жараёнларининг самарадорлигини ошириш, “Ўзбекенгилсаноат” ДАК корхоналарида модернизациялаш жараёнларининг илмий-ташкилий жиҳатларини янада кучайтириш йўллари ўрганилган, корпоратив корхоналарда модернизациялаш жараёнларининг мунтазам амал қилишини таъминловчи ташкилий-иқтисодий механизмларни ишлаб чиқиш борасида илмий таклифлар берилган.

Диссертациянинг хулоса қисмида тадқиқот мазмунидан келиб чиқадиغان асосий хулоса ва тавсиялар келтирилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ҳозирги шароитда корпоратив тузилмаларда хўжалик юртишнинг нисбатан самарадорлиги ва афзаллигининг асосларидан бири – уларда инновацион жараёнларни қўллаш, фан-техника тараққиёти ютуқларини татбиқ этиш имкониятларининг кенглиги ҳисобланади. Корпоратив корхоналарда фан-техника тараққиёти янги ютуқларини ишлаб чиқаришга жадал татбиқ этишни таъминловчи механизмнинг яратилиши улар самарадорлигининг ошишига олиб келади.

Инновацион фаолият ўз ичига илмий янгилик ва ишланмаларни яратиш, ўзлаштириш ва кенг жорий этиш жараёнларини олиб, унинг натижасида маҳсулот, хизмат, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш шакли, технологияларнинг янги турлари яратилади ёки мавжудлари такомиллаштирилади. Инновация жараёни ишлаб чиқариш ва маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш, бозорларда ўз мавқеига эга бўлиш ва уни ушлаб қолиш, унумдорликни, пировардида ҳам корхона, ҳам яхлит иқтисодиёт самарадорлигини оширишнинг асосий ва мажбурий шарт ҳисобланади. Инновацияни ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир соҳа ва йўналишига нисбатан татбиқ этиш мумкин бўлиб, бунда мазкур соҳа ёки йўналиш фаолиятининг мазмуни сифат жиҳатидан ўзгаради ва янгича тавсиф касб этади.

Тадқиқот давомида “инновацияларни бошқариш” ва “инновацион бошқариш” тушунчаларининг ўзаро фарқланишига аниқлик қилтириш муҳим

услужбий аҳамият касб этади. Инновацияларни бошқариш – инновацион жараён ёки фаолиятга нисбатан бошқарувнинг асосий функциялари – ташкил этиш, меъёрлаштириш, режалаштириш, мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва тартибга солиш таомилларини татбиқ этиш ҳисобланади. Инновацион бошқариш эса – бошқарувнинг мазмун ва сифат жиҳатидан маълум бир даражасини, бошқарув фаолиятининг ўзига хос тавсифини англатади. Яъни, бу ўринда анъанавий ҳисобланиб келган бошқарув усул ва воситалари, тамойиллари, ички хусусият ва белгилари, мезонлари, шарт-шароитлари ёки муҳйати таркибига эндиликда янгича тавсиф касб этувчи билимлар, технологиялар, усул ва воситалар, ёндашувлар киритилади.

Инновацияларни жадал татбиқ этиш энг аввало мавжуд ишлаб чиқаришни ҳар томонлама модернизациялашни зарур қилиб қўяди. “Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодийнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш биз учун энг муҳим устувор вазифа сифатида изчил давом эттирилади”⁸.

Модернизациялаш жуда кенг тушунча бўлиб, уни ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларига татбиқан қўллаш мумкин. Бу энг аввало модернизациялаш жараёнини турли жиҳатларга кўра таснифлаш орқали намён бўлади.

Бир гуруҳ муаллифлар модернизациянинг тор ва кенг маъносини фарқлайдилар. Хусусан, тор маънодаги модернизация “объектни янгилаш, яхшилаш, такомиллаштириш, уни янги талаблар ва меъёрларга, техник шартларга, сифат кўрсаткичларига мувофиқлаштириш”, яъни асосан техника, технологияга оид тушунча деб қаралса, кенг маънодаги модернизация “жамият ҳаётининг турли жабҳаларини тубдан ўзгартириш, янгилаш, бу борада тараққиётни жаҳондаги мавжуд илғор андозалар томон йўналтириш ва такомиллаштириш жараёнларининг мажмуи” сифатида ифодаланади⁹.

Кенг маънодаги модернизация жараёнининг тавсифлари қаторида унинг мажмуавийлиги, тизимийлиги, глобал тавсифи, давомийлик тавсифи табақалашганлик тавсифи каби тамойиллари ажратиб кўрсатилади¹⁰. Шу ўринда, диссертантнинг фикрича, модернизациялашнинг инновацион тавсифи, яъни у орқали жамиятнинг турли даражадаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг турли жабҳаларига янги усул ва воситаларни татбиқ этиш нуктаи назаридан ёндашиш тамойиллини киритиш ҳам мантиқий, ҳам илмий жиҳатдан тўғри ҳисобланади.

Инда модернизациялаш жараёнларини қўллашнинг алоҳида техника, технологияни модернизациялаш; ишлаб чиқаришни модернизациялаш; корхона фаолиятини модернизациялаш; жамиятнинг алоҳида жабҳаларини модернизациялаш; яқлит жамият (ижтимоий тузум)ни модернизациялаш каби даражалари ажратилиб, тавсифлаб берилган.

⁸ Каримов. И.А. Барча режа ва дастурларнинг вятанамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: Ўзбекистон, 2011, 24-б.

⁹ Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Мамлакатни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилиш – илмий тараққиётимизнинг мантиқий босқичи: Илмий-оммабоп рисола. – Т.: ГДИУ, 2008 – 53 б.

¹⁰ Конкурентоспособность в модернизация российской экономики. - <http://www.moderniz.org.ru>.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш – ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараён. Ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг асосий йўналиш ва воситалари қуйидагилар ҳисобланади: корхоналардан эскирган асбоб-ускуналарни чиқариш; ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш; маҳаллий ресурслар асосида ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш; ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва ресурсларни тежаш; сифатни бошқариш ва сертификатлаш тизимини жорий этиш; чикитсиз ва экологик тоза технологияларни жорий этиш¹¹.

Ишда корпоратив корхоналардаги инновацион бошқарув ва модернизациялаш жараёнлари ўртасидаги ўзаро алоқани намоён этувчи назарий қоида ва жиҳатлар, корпоратив бошқарув шароитида модернизациялаш жараёнларининг нисбатан самарали амалга оширилишига имкон яратувчи омиллар тадқиқ этилиб, тегишли илмий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Корпоратив корхона фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг ўзига хос томони унда турли иқтисодий манфаатларни намоён этувчи гуруҳларнинг мавжудлиги ҳисобланади. Чунки, корпоратив бошқарув – муайян ҳўжалик юритиш фаолияти доирасида тўкнашувчи якка тартибдаги, гуруҳий ва ижтимоий манфаатлар ўртасидаги мувофиқликни ўрнатиш жараёнидир. Шунга кўра, корпоратив корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг мазкур гуруҳлар манфаатларига мос ёки зид жиҳатларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ (1-жадвал). Бундай таҳлил корпоратив тузилмаларда ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнларини самарали ташкил этиш имконини беради.

1-жадвал

Корпоратив корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнларининг турли гуруҳлар иқтисодий манфаатларига мувофиқлиги¹²

Турли иқтисодий манфаатларни намоён этувчи субъектлар гуруҳи	Ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнларини амалга оширишнинг	
	манфаатли жиҳатлари	манфаатга зид жиҳатлари
1	2	3
Мулк эгалари (акциядорлар)	-корхона фаолиятининг такомиллашуви ва кенгайиши; -корхона мол-мулки қийматининг ошиши; -истiqқболда молиявий натижалар (фойда, дивиденд, акция курси ва ҳ.к.)нинг аҳамиятли даражада ошиши ва ҳ.к.	-янги инвестиция маблағларини қидириш ва жалб этиш билан боғлиқ савб-ҳаракатларни амалга ошириш зарурлиги; -сарф-харажатларнинг кўпайишга тўғайи жорий даврдаги молиявий натижалар (фойда, дивиденд ва ҳ.к.)нинг пасайиши; -акциялар пакетидagi улушларнинг салбий томонга ўзгариш эҳтимоли ва ҳ.к.

¹¹Саидова Г. Модернизация, техническое обновление и диверсификация производства, широкое внедрение инновационных технологий – необходимое условие выхода Узбекистана на новые рубежи на мировом рынке / «Жаҳон молиявий-иқтисодий вазирлиги, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» мазмундаги Республика илмий-амалий ажауманидаги тақдирот материаллари. – Т., ТДИУ, 2009 йил 5 май.

¹² Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.


1-жадвал давом

1	2	3
Елланма менежерлар (бошқарувчилар)	-корхона иқтисодий салоҳияти ва мақомининг ўсиши; - истиқболда ишлаб чиқариш ва бошқарув самарадорлигининг ошиши; -корхона инвестицион жозибадорлигининг ошиши ва ҳ.к.	-модернизациялаш даврида бошқарув тактикаси ва стратегиясига ўзгаришлар кяриштирилиши; -янги ишлаб чиқаришга мувофиқ келувчи бошқарув таркибда ҳам туф ўзгаришларни амалга ошириш зарурлиги ва ҳ.к.
Компания ходимлари	-истиқболда иш шaroитлари яхшилланиши; -меҳнат унумдорлигини ўсиши, иш ҳақининг ошиши ва ҳ.к.	-жорий даврда иш ҳақининг пасайиши; -истиқболда юқори техника ва технологияларнинг татбиқ этилиши натижасида ишдан бўшатилиш эҳтимолининг пайдо бўлиши ва ҳ.к.
Давлат бошқарув органлари	-компания иш фаолияти ҳамда молиявий барқарорлигининг таъминланиши; -корхона мол-мулки, ишлаб чиқариш ҳажми ва улар билан боғлиқ ҳолда тўланадиган солиқ миқдорининг кўпайиши; -янги иш ўринлари яратилиши ва ҳ.к.	-модернизациялаш жараёнида ишлаб чиқариш ҳажми, банобарин, тўланадиган солиқ миқдорининг вақтинча пасайиши эҳтимоли; -эскирган техника ва технологик линияларда ишлаб келаятган ходимларни ишдан бўшатилиши; -сермеҳнат технологиялар ўрнига замонавий, автоматик бошқарилувчи технологияларнинг жорий этилиши натижасида иш ўринларининг кўскариши эҳтимоли ва ҳ.к.
Кредиторлар	-компания иш фаолияти ҳамда молиявий барқарорлиги таъминланиши; -корхона мол-мулки, ишлаб чиқариш ҳажми ва улар билан боғлиқ ҳолда тўловга лаёқатлилик даражаси ўсиши ва ҳ.к.	-модернизациялаш жараёнида ишлаб чиқариш ҳажмининг, банобарин, қайтарилмиш лозим бўлган маблағлар ҳамда фоишларнинг муддат жиҳатидан кечиктирилиши эҳтимоли ва ҳ.к.

Жадвалдан кўринадики, корпоратив корхонада ишлаб чиқаришни модернизациялаш билан боғлиқ бўлган жараёнлар ва улар таъсирида рўй бериши мумкин бўлган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг ҳар бир гуруҳ учун ҳам манфаатли, ҳам манфаатга зид томонлари мавжуд. Айни пайтда, реал ҳаётда ушбу ҳолатлар янада мураккаб ва турлича кўринишга эга. Шунга кўра, корпоратив бошқарув тизими шароитида корхоналарни модернизациялаш жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришда юқорида кўриб чиқилган ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг илмий асосини корпоратив корхоналарда модернизациялаш жараёнларини амалга оширишнинг мантикий модели кўринишида намоён этиш мумкин (1-расм).

Мантикий модель марказида корпоратив корхоналардаги модернизациялаш жараёнлари ўрин олиб, муайян реал ҳолатда унинг асосий йўналишларидан бири ёки бир нечтаси танлаб олиниши мумкин. Бу ўринда модернизациялаш жараёни йўналишининг аниқ белгилаб олиниши мақсад ва вазибаларнинг ҳам аниқлиги ва ҳаётийлигини таъминлашни назарда тутиш лозим. Моделдаги иккинчи тартибли бўғин – корпоратив муносабатлар иштирокчиларини аниқлаб олиш ва уларнинг модернизациялаш жараёнлари билан ўзаро таъсир даражаларини баҳолаш ҳисобланади. Бу ҳолат


модернизациялаш йўналиш ва мақсадларининг ҳар бир муайян кўриниши учун алоҳида мазмун касб этиши мумкин. Албатта, бошқарув жараёни ҳар бир субъектининг модернизациялаш жараёнлари билан қайсидир даражада алоқадорлиги мавжуд бўлади, бироқ, бу ўринда асосий ва бевосита муносабатларни аниқлаб олиш муҳим ҳисобланади. Шундан сўнг, ҳар бир иштирокчининг иқтисодий муносабатлари, ҳатти-ҳаракат ва манфаатлари корпоратив бошқарув тизими шароитида модернизациялаш жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини намоён этувчи асосий жиҳатлар призмасидан ўтказилади.



1-расм. Корпоратив корхоналарда модернизациялаш жараёнларини амалга оширишнинг мантиқий модели¹³.

¹³ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Корпоратив корхоналарда модернизациялаш жараёнларини бошқариш самарадорлигини баҳолашда мазкур жараённи амалга оширишнинг мантқиқий жиҳатдан кетма-кетлигини аниқлаш ва услубий асосларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ (2-расм).



2-расм. Корпоратив корхоналарда модернизациялаш жараёнларининг бошқарув самарадорлигини баҳолаш кетма-кетлиги¹⁴.

Корпоратив бошқарув самарадорлигининг ошиши аксарият ҳолда сифат кўрсаткичлари орқали намойён бўлади. Бироқ, фикримизча, модернизациялаш жараёнларига татбиқан корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолашда фақатгина бошқарув соҳасидаги ўзгариш ва натижалар орқали ифодаланувчи жиҳатлар билан чекланмай, балки бошқарув элементлари орқали мазкур жараёнга таъсир ўтказиш ва унинг натижаларини ўзгартириш бўйича барча жиҳатлар қамраб олинishi лозим. Шунга кўра, модернизациялаш жараёнлари бошқарув самарадорлигини баҳолашда корпоратив бошқарув мазмунини ифодаловчи пировард натижалар билан бир қаторда орилиқ ташкилий-иқтисодий ўзгариш ва натижаларни ҳам эътиборга олиш муҳим ҳисобланади.

Ишда модернизациялаш жараёнлари бошқарув самарадорлигини баҳолашнинг бирламчи-орилиқ (умумий) кўрсаткичлари, яъни: ишлаб чиқариш воситалари таркибининг такомиллашуви; капитал самарадорлигининг ўсиши; маҳсулот таннархининг пасайиши; ишлаб чиқариш қувватининг ўсиши; маҳсулот сифатининг ошиши; ресурслар импортининг қисқариши; экспорт ҳажмининг ошиши; тежамкорликнинг кучайиши; тайёр маҳсулот улушининг ўсиши; рақобатбардошликнинг кучайиши; маҳсулот сотиш ҳажмининг кўпайиши; янги иш ўринларининг яратилиши ҳамда пировард (яъни корпоратив бошқарувга хос) кўрсаткичлари, яъни: корхона (тармоқ) капиталлашув даражасининг ўсиши, дивиденд миқдорининг ошиши, иш ҳақи даражасининг ўсиши, меҳнат шароитлари ва ижтимоий инфратузилманинг

¹⁴ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

якшиланиши, бюджетга тўловлар ҳажмининг ўсиши кабиларга ажратилган. Ҳар иккала турдаги кўрсаткичлар умумий ҳолда корпоратив корхоналарда модернизациялаш жараёнлари бошқарув самарадорлигини ифодалаб, уларни алоҳида матрица кўринишида тасвирлаш мумкин.

Корпоратив корхоналар фаолиятини модернизациялаш жараёнлари бошқарув самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқишда қуйидаги тамойилларни эътиборга олиш лозим:

1) бу кўрсаткичларни қўллаш нисбатан эркин тавсиф касб этиб, уларнинг ҳар бир хусусий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда танлаб олиниши мантиқан тўғри ҳисобланади;

2) кўрсаткичларни мутлак ёки нисбий кўринишда ифодалаш мумкинлиги маъзку жараёнлари баҳолаш имкониятларини кенгайтиради;

3) кўрсаткичларнинг ҳар бир хусусий ҳолда мустақил маъзну касб этиши уларни микдор жиҳатидан умумлаштирган ҳолда яхлит ҳулоса чиқариш имкониятларини чеклайди ва ҳ.к.

Юқоридаги тамойиллардан келиб чиққан ҳолда, корпоратив корхоналарни модернизациялаш жараёнлари бошқарув самарадорлигини ифодаловчи бир неча кўрсаткичларни ҳисоблашнинг намунавий усулларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади (2-жадвал).

2-жадвал

Модернизациялаш жараёнларининг бошқарув самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари¹⁵

Кўрсаткич номи	Мутлак кўринишда	Нисбий кўринишда	Шартли белгилар
Ишлаб чиқаришни модернизациялаш натижасида корхона (тармоқ) ишлаб чиқариш қувватининг ўсиши	$KY_i = K_{i1} - K_{i0}$	$KY_i = \frac{K_{i1}}{K_{i0}} \times 100\%$ $KY_i = \frac{K_{i1} - K_{i0}}{K_{i0}} \times 100\%$	KY_i – маҳсулотни ишлаб чиқариш қувватининг ўсиши; KY_{i0} – маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг модернизациялаш жараёнига қадар бўлган қуввати; KY_{i1} – маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг модернизациялашдан кейинги қуввати
Ишлаб чиқаришни модернизациялаш натижасида корхона (тармоқ) да маҳсулот (хизмат) ассортиментининг кенгайтиши	$AK = A_1 - A_0$	$AK = \frac{A_1}{A_0} \times 100\%$ $AK = \frac{A_1 - A_0}{A_0} \times 100\%$	AK – маҳсулот (хизмат) ассортиментининг кенгайтиши; A_0 – корхона (тармоқ) да ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнига қадар мавжуд бўлган маҳсулот (хизмат) ассортименти; A_1 – ишлаб чиқаришни модернизациялашдан кейинги маҳсулот (хизмат) ассортименти
Модернизациялаш натижасида иқтисодий ресурсларнинг тежаллиши	$PT_i = PC_{i0} - PC_{i1}$ $PT_y = \sum_{j=0}^n PT_j$	$PT_i = \frac{PC_{i0} - PC_{i1}}{PC_{i0}} \times 100\%$	PT_i – i -турдаги ресурс тежалкорлиги; PC_{i0} – i -турдаги ресурсларнинг ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнига қадар бўлган сарфи; PC_{i1} – i -турдаги ресурсларнинг ишлаб чиқаришни модернизациялашдан кейинги сарфи; PT_y – барча турдаги ресурсларнинг умумий тежалкорлиги; j – муайян маҳсулотни ишлаб чиқаришда қўлланадиган ресурслар

¹⁵ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

1	2	3	4
Импорт ҳажмининг кискариши	$ИК_i = ИХ_{i0} - ИХ_{i1}$	$ИК_i = \frac{ИХ_{i0} - ИХ_{i1}}{ИХ_{i0}} \times 100\%$	$ИК_i$ – i-маҳсулот (хомаше, бутловчи қисм, ярим фабрикат ва б) буйича импорт ҳажмининг кискариши; $ИХ_{i0}$ – i-маҳсулот импортнинг модернизациялаш жараёнига қадар бўлган ҳажми; $ИХ_{i1}$ – i-маҳсулот импортнинг модернизациялашдан кейинги ҳажми
Экспорт ҳажмининг ошиши	$ЭК_j = ЭХ_{j1} - ЭХ_{j0}$	$ЭК_j = \frac{ЭХ_{j1} - ЭХ_{j0}}{ЭХ_{j0}} \times 100\%$	$ЭК_j$ – j-маҳсулот (хомаше, бутловчи қисм, ярим фабрикат ва б) буйича экспорт ҳажмининг кўпайиши; $ЭХ_{j0}$ – j-маҳсулот экспортнинг модернизациялаш жараёнига қадар бўлган ҳажми; $ЭХ_{j1}$ – j-маҳсулот экспортнинг модернизациялашдан кейинги ҳажми

Ҳар бир кўрсаткич ўз ҳолича, яъни мутлақ қийматларда ифодаланган ҳолда самарадорлик даражаси тўғрисида етарлича тасаввур беролмаслигини ҳисобга олган ҳолда олинган натижаларни ўзаро таққослаш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Натижаларни таққослаш ишлари асосан икки йўналишда, яъни: 1) олинган натижаларни муайян даврга нисбатан таққослаш орқали баҳолаш; 2) олинган натижаларни бошқа объект (корхона ёки тармоқ)ларга нисбатан таққослаш орқали баҳолаш орқали амалга оширилиши мумкин.

Модернизациялаш жараёнлари ёки уларни бошқариш учун сарфланган бир бирлик маблағнинг муайян корхона (тармоқ)даги самарасини ўзаро таққослашни қуйидагича формула кўринишида ифодалаш мумкин:

$$\frac{H_i}{CX_i} = \frac{H_j}{CX_j} \quad \text{ёки} \quad \frac{X_{i1} - X_{i0}}{CX_i} = \frac{X_{j1} - X_{j0}}{CX_j},$$

бу ерда:

CX_i, CX_j – тегишли равишда i ва j корхона (тармоқ)ларининг модернизациялаш ёки уларни бошқариш учун сарф-харажатлари қиймати;

H_i, H_j – тегишли равишда i ва j корхона (тармоқ)ларининг модернизациялаш ёки уларни бошқариш орқали олинган натижалари қиймати;

X_{i0}, X_{i1} – i корхона (тармоқ)ларининг модернизациялашдан олдинги ва кейинги ҳолатини ифодаловчи кўрсаткич қиймати;

X_{j0}, X_{j1} – j корхона (тармоқ)ларининг модернизациялашдан олдинги ва кейинги ҳолатини ифодаловчи кўрсаткич қиймати.

Бугунги кунда “Ўзбекенгилсаноат” Давлат акционерлик компаниясининг фаолияти интеграциялашган корпоратив тузилма кўринишига эга бўлиб, унинг таркибига 8 та (пахтани қайта ишлаш, трикотаж, тикувчилик, ипакчилик, жунчилик, ногўқима, пахта ва чинни) тармоқдаги 217 та хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан: 102 та тўқимачилик, 78 та тикувчилик-трикотаж, 30 та ипакчилик, 7 та тижорат корхоналари киради. Компаниянинг устав фонди 9,7 млрд. сўмни ташкил этиб, акцияларнинг 90,15 %и давлат активлари, 9,85 %и таъсисчи-корхоналар ўртасида тақсимланган. Давлат активларининг 51 %и давлат улуши, 39,15 %и эркин савдога жойлаштирилган акциялардан иборат.

“Ўзбекенгилсаноат” ДАКда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш натижасида фаолият асосий кўрсаткичларининг ўзгаришини қуйидаги жадвал орқали баҳолаш мумкин (3-жадвал).

“Ўзбекенгилсаноат” ДАКда модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта қуроолантириш натижасида фаолият кўрсаткичларининг ўзгариши¹⁶

Кўрсаткич номи	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
Саноат ишлаб чиқариши ҳажми, млрд. сўм	378,0	428,7	522,7	627,9	680,1	757,0
Халқ истеъмоли моллари чиқариш ҳажми, млрд. сўм	151,9	186,2	125,6	133,1	136,0	189,4
Маҳсулот экспорти ҳажми, млн. АҚШ долл.	239,4	315,2	400,5	375,3	385,1	450,0
Импорт ўрнини босувчи хомаше, материаллар ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми, млн. АҚШ долл.	30,7	34,5	35,7	38,9	42,3	51,1
Ўзлаштирилган капитал маблағлар ҳажми, млрд. сўм:	91,9	110,0	101,9	143,5	167,4	236,1
шу жумладан, ўзлаштирилган хорижий инвестициялар, млн. АҚШ долл.	81,2	88,3	87,1	102,5	63,8	105,5
Ишга туширилган янги корхоналар, бирлик	11	22	23	23	17	27
Фойда, млрд. сўм	3,8	4,7	5,6	4,0	4,2	4,4
Дивиденд, млн. сўм	-	10,1	-	214,0	1,8	91,5
Ўртача иш ҳақи даражаси, минг сўм	110	120	140	166	216	270
Бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга барча тўловлар, млн. сўм	38010	44100	51201	59100	68040	74676
Асосий воситалар таркибида эскирган қисмининг улуши, фоз	41	76,7	16,3	21	2,8	20

Жадвалдан кўринадики, компанияда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта қуроолантириш натижасида ўрганилаётган даврларда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 9 марта, халқ истеъмоли моллари чиқариш ҳажми 6 марта, маҳсулот экспорти ҳажми 9 марта, импорт ўрнини босувчи хомашё, материаллар ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 марта, ўзлаштирилган капитал маблағлар ҳажми 9 марта, ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 7 марта, ишга туширилган янги корхоналар сони 11 марта, фойда ҳажми 7 марта, дивиденд миқдори 9 марта, ўртача иш ҳақи даражаси 9 марта, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга барча тўловлар ҳажми 9 марта ошган, асосий воситалар таркибида эскирган қисмининг улуши 5 марта камайган. Бу эса, “Ўзбекенгилсаноат” ДАКда модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта қуроолантириш жараёнларининг дастлабки босқичи натижалари нисбатан салмоқли эканлигини кўрсатади.

Шунингдек, “Ўзбекенгилсаноат” ДАК таркибидаги қатор корхоналар (“Мархамат” ОАЖ, “Бешариктекстиль” ОАЖ, “Сурхонтекст” ҚК, “Sirkechi Tashtekstil” ҚК МЧЖ)да амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнлари устидан олиб борилган монографик тадқиқот натижасида уларнинг самарадорлигига жиддий таъсир кўрсатувчи ҳолатлар аниқланди. Жумладан:

- ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта қуроолантириш дастурларининг мукамаллиги ва улар борасида корпоратив муносабат

¹⁶ “Ўзбекенгилсаноат” ДАК маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

иштирокчилари, айниқса, бошқарув субъектларининг доимо ҳам тўлик тасаввурга эга эмаслиги;

- эскирган асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш жараёнидан чиқариш тадбирларининг корпоратив корхоналар модернизациялаш дастурларида эътибордан четда қолаётганлиги;

- ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта қуроллантириш дастурларини ишлаб чиқишда янги, замонавий техник воситалар ва технологик линияларни ишлаб чиқариш жараёнига босқичма-босқич ва изчил равишда киритиб борилишига етарли аҳамият қаратилмаётганлиги;

- корхоналарни модернизациялашда маҳсулот ассортиментини кенгайтириш масалаларига у қадар эътибор қаратилмаётганлиги;

- корхона асосий воситалари таркибидаги оптимал пропорцияларнинг сақланишини, уларнинг янада самарали ишлашини таъминлаш тадбирларининг суствлиги;

- модернизациялаш жараёнларини ташкил этишда унинг корпоратив муносабатлар иштирокчиларига қисқа ва узоқ муддатли даврдаги таъсир йўналишларини, айниқса, молиявий натижаларнинг кескин қисқариши туфайли дивиденд, бюджетга тушумларни қисқартириб юбормаслик, тўловга қобилликнинг пасайиши оқибатида турли кредиторлар ва бошқа хўжалик субъектларни олдидаги қарздорликнинг ошиб кетишига йўл қўймаслик ҳолатларининг ҳисобга олинмаслиги;

- ишлаб чиқаришни модернизациялаш чоғида техника ва технологияларни янгилаш қисқа муддатда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини пасайтириб юборишининг олдини олиш, ишлаб чиқаришдаги маромийликни таъминлаш чораларининг амалга оширилмаслиги ва ҳ.к.

Республикаимиз Президенти ва ҳукумати томонидан қабул қилинган метёрий ҳужжатлар асосида “Ўзбекенгилсаноат” ДАК тизимида ишлаб чиқариш ҳажмининг барқарор ўсиш тенденциялари кузатилмоқда¹⁷. Тизимдаги тенденцияларни аниқроқ баҳолаш учун ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи 12 та кўрсаткичлар туркуми бўйича сўнгги 6 йиллик динамика таълаб олинди. Бунда ҳар бир кўрсаткичнинг ишлаб чиқариш ҳажми билан боғланиш зичлигини баҳолашда детерминация коэффициентидан фойдаланилади. Натижаларга кўра, таъланган кўрсаткичларнинг ҳар бири билан ишлаб

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маққамасининг Қарори. Республика тўқимачилик тармоғига инвестициялар жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида. 2005 йил 27 январь, 38-сон; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2006-2008 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиқозлаш дастури тўғрисида. 2006 йил 13 ноябрь, ПК-510-сон; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маққамасининг Қарори. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазириги кузуридаги Идорайтараро экспертлар кенгаши томонидан энгил саноат корхоналарини куриш, қайта иқтисослангитириш ва модернизация қилиш бўйича тақлифларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида. 2006 йил 1 декабрь, 247-сон; Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиқозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2007 йил 14 март. ПФ-3860-сон; Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. Инновацион лойиқалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга табиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2008 йил 15 июль, ПК-916-сон; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маққамасининг Қарори. 2009-2011 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш ҳамда маҳаллий изоик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2009 йил 20 август, 236-сон.

чиқариш ҳажми ўртасидаги боғланиш зичлиги 9 тасида юқори, 2 тасида ўртача, биттасида заиф даражада эканлиги аниқланди. Шунингдек, ишлаб чиқариш ҳажмига омилларнинг таъсирчанлигини баҳолашда эластиклик коэффициентига эътибор қаратилди. Ишлаб чиқариш ҳажми ва ҳар бир омил кўрсаткич динамикасининг ўзаро бевосита таъсирчанлигини ифодалаш учун регрессион таҳлил қўлланилди. Регрессион таҳлилда ишлаб чиқариш ҳажми билан ҳар бир омилнинг функционал боғланиши тўғри чизикли ва экспоненциал функциялар билан ифодаланди. Бунда ишлаб чиқариш ҳажми ва ҳар бир омилнинг тўғри чизикли функция кўринишидаги боғланиши орқали ифодаланган эластиклик коэффициенти ҳар бир омилнинг ишлаб чиқариш динамикасига таъсирини кўрсатади.

Юқоридаги ҳисоблашларга кўра танланган кўрсаткичлардан учтаси (ишловчилар сони, капитал унумдорлиги, фойда) тесқари пропорционал боғланишга эга. Бу эса тизимдаги таркибий силжишларда ноҳуш тенденциялар давомий эканлигини кўрсатади, айниқса капитал унумдорлиги ва фойданинг пасайиш тенденцияси ишлаб чиқаришни модернизациялашда жиддий сифат ўзгаришларини тақозо этади. Танлаб олинган кўрсаткичларнинг юқори боғланиш зичлигига эга бўлган чизикли функциялари асосида 2011 йил учун прогноз кўрсаткичлар ҳисобланди (3-жадвал).

3-жадвал

**“Ўзбекенгилсаноат” ДАК тизимида иқтисодий кўрсаткичлар
динамикаси прогнози¹⁸**

Кўрсаткичлар	R ²	Эластиклик коэффициенти	2010 й. (ҳақиқат)	2011 й. (прогноз)	Ўзгариш, фойда
Асосий фондлар қиймати	0,93	0,57	872,9	1028,46	117,82
Айланма маблағлар миқдори	0,61	1,33	484,9	555,21	114,50
Меҳнат унумдорлиги	0,93	35,85	13,4	14,73	109,92
Узлаштирилган инвестициялар ҳажми	0,83	2,49	236,1	246,68	104,48
Иш ҳақи ўртача ҳажми	0,91	2,28	270	285,22	105,64
Ишлаб чиқариш қувватларидан ўртача фойдаланиш даражаси	0,85	16,67	75,6	77,38	102,35
Бюджет ва бошқа фондларга тўловлар	0,99	0,01	74676	81241,35	108,79
Импорт ўринини босиш	0,89	19,45	51,1	52,31	102,38
Экспорт	0,78	1,7706	450	508,61	113,03

Прогноз кўрсаткичлар таҳлилига кўра, ишлаб чиқариш ҳажмининг 109,2 фойзга кўтарилиши бошқа юқори боғланиш зичликка эга бўлган таъсир этувчи омиллар сифатида олинган кўрсаткичлар динамикасида ҳам жиддий ижобий силжишларга эришиш кутилмоқда. Бунда асосий фондлар қиймати, айланма маблағлар ҳажми, экспорт ҳажмида ишлаб чиқариш динамикасига нисбатан юқори кўрсаткичларга эришиш мумкинлиги ҳисоблаб топилди. Айни чоғда меҳнат унумдорлиги, бюджет ва бошқа фондларга тўловлар бўйича ишлаб чиқариш ҳажми ўсишига яқин бўлган ўсиш суръатлари таъминланиши

¹⁸ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

кутилмоқда. Бирок, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ўзлаштирган инвестициялар ҳажмининг самарадорлигини ошириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасида жиддий ортида қолиш кутилмоқда. Шунга қўра, модернизациялаш жараёни самарадорлиги нуқтаи назаридан баҳо берилганда, тизимда инновацион бошқарув имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги, бу борада таъсирчан чоралар белгилаш зарурлиги кўрсатиб берилди.

Диссертация ишида корхоналарнинг ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш жараёнларини бир марталик кампания эмас, балки мунтазам ва доимий равишда, узоқ муддатли режалаштириш асосида амалга ошириладиган муҳим ташкилий-иқтисодий жараёнга айлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Бунда корпоратив бошқарувни ўзига хос механизм сифатида қабул қилиш ва ҳар бир бошқарув-иқтисодий жараённи ана шу механизм нуқтаи назаридан ўзини-ўзи такрор ҳосил қилиш ички тартиб ва қондаларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада қатор йўналишлардаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлиб, уларни алоҳида блоklar кўринишида ифодалаш мумкин:

1-блок: корпоратив тузилмаларда ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнларини ташкил этиш ва самарали амалга оширишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини таъминлаш:

1) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида:

- корхоналар фаолиятининг барча йўналишларини мунтазам равишда модернизация қилиш борасида тегишли корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини белгилловчи нормаларни киритиш;

- белгилаб берилган умумий йиғилиш ҳуқуқ ва мажбуриятлари таркибига корпоратив корхоналарда ишлаб чиқаришни мунтазам равишда модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш масалаларини муҳокама қилиш, назорат қилиш ва тегишли ўзгартиришлар киритиб боришдан иборат ваколатларни киритиш;

2) “Корпоратив тузилмаларда ишлаб чиқаришни мунтазам равишда модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича Низом” ишлаб чиқилиб, унда корпоратив бошқарув ҳар бир иштирокчисининг фаолият доирасини ўзаро мувофиқлаштирилган ҳолда белгилаб бериш;

3) “Ўзбекенгилсановат” ДАК ҳамда унинг таркибига кирувчи ҳар бир акциядорлик компаниялари Кузатувчилар кенгаши ваколатлари доирасига корхонани модернизациялаш билан боғлиқ жараёнларни мунтазам ўрганиб, таҳлил қилиб бориш ва у билан боғлиқ масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилишига киритиш ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб бериш.

2-блок: ташкилий асосларни таъминлаш:

1) барча корпоратив муносабатлар иштирокчилари томонидан корхонада амалга ошириш кўзда тутилаётган ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнининг мақсад ва моҳиятини яхши тушунишни таъминлаш;

2) модернизациялаш дастурида ҳар бир корпоратив муносабат иштирокчисининг иқтисодий манфаатини ифодаловчи натижани аниқ (башорат кўринишида) кўрсатиб бериш;

3) компания таркибидаги ҳар бир корхонада ушбу лойиҳаларни самарали амалга ошириш чора-тадбирларини ўз ичига олган мукамал ва батафсил ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш.

3-блок: корпоратив тузилмаларда техникавий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш:

1) модернизациялаш бўйича олиб келинаётган техник воситалар ва технологик линияларнинг замонавийлиги ва юқори унумдорлиги талабларига амал қилинишини корпоратив бошқарув муносабатлари орқали механизм сифатида йўлга қўйиш;

2) “Ўзбекенгилсаноат” ДАК Бошқаруви таркибидаги модернизациялаш жараёнларини самарали ташкил этиш ва амалга оширишга маъсул бўлим томонидан:

- тармоқ корхоналаридаги асбоб-ускуналарнинг техник ҳолати, уларни замонавийлаштириш йўналишлари тўғрисида маълумотга эга бўлиши, ишлаб чиқаришга янги киритилаётган асбоб-ускуналарнинг юқори техник даражасини ушлаб туриш, зарур ҳолларда уларни такомиллаштириб боришнинг яхлит мувофиқлаштирилган сиёсатини юритиш;

- модернизациялаш жараёнида хориждан келтирилувчи асбоб-ускуналар, бутловчи ва эҳтиёт қисмларнинг маҳаллийлаштириш дастурлари асосида изчил равишда мамлакатимизда ишлаб чиқарилиши, эҳтиёт ва бутловчи қисмлар етказиб берилишини рағбатлантириш жараёнларининг ҳуқуқий-ташқилий асосларини ишлаб чиқиш ва ҳаракатга келтириш;


- асбоб-ускуналарни замонавийлаштириш ва янгилаш борасида компаниянинг мукамал техникавий сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

3) юқоридаги жараёнларнинг тезкорлиги ва самарали амалга оширилишини таъминлаш учун “Ўзбекенгилсаноат” ДАК таркибида махсус ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта қуроллантириш бўлимини ташкил этиш.

4-блок: модернизациялаш дастурларининг пухта ва очиқлигини таъминлаш:

1) модернизациялаш режасининг тижорат ёки саноат сирига эга бўлмаган масалалари бўйича қабул қилинаётган қарорларнинг акциядорлар эътиборига етказилиши;

2) модернизациялаш дастури, ундан ўрин олган чора-тадбирларнинг корпоратив муносабатлар иштирокчилари билан ўзаро муҳокама қилиниб, муайян тартибдан мулоҳазадан ўтказилиши ва ўзаро тасдиқланиши;



3-расм. «Ўзбекэнгитилсаноят» ДАК фаолиятда модернизацияли жараёларнинг мунтазам амал қилишини таъминловчи танқаллий-бошқарув механизми¹⁹

¹⁹ Муваффақиятларни асосида тузилган.

3) акциядорларга корхонани модернизациялаш борасида амалга оширилиши режалаштирилаётган ҳамда амалга оширилган ишлар тўғрисида мунтазам ахборот бериб туриш ва ҳ.к.

Юқоридаги чора-тадбирлар асосида “Ўзбекенгилсаноат” ДАК фаолиятида модернизациялаш жараёнларининг мунтазам амал қилишини таъминловчи яхлит иқтисодий механизмни тавсия этиш мумкин (3-расм).

Компанияда модернизациялаш жараёнларининг мунтазам амал қилишини таъминловчи иқтисодий механизмлар ишлаб чиқирилиши ва татбиқ этилиши тармоқнинг замонавий талаблар асосида жиҳозланиши, турли салбий ҳолатлар олдининг олинлиши, корхоналарнинг доимо юқори техник ва технологик асосларда ишлаши, модернизациялаш жараёнлари самарадорлигининг ошиши орқали тармоқ ишлаб чиқариш имкониятларини янада кенгайтиради.

ХУЛОСА

“Ўзбекенгилсаноат” ДАК тизимидаги корпоратив корхоналар фаолиятини инновацион бошқариш шароитида ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг асосий йўналишларини тадқиқ этиш асосида қуйидаги хулоса ва тавсияларни ишлаб чиқишга муваффақ бўлинди:

1) модернизациялаш инновацион тавсиф касб этиб, унинг бу хусусияти алоҳида тамойил сифатида намоён бўлади. Модернизациялаш орқали жамиятнинг турли даражадаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг турли жаҳдаларига янги усул ва воситаларни татбиқ этиш пировардида жамият тараққиётининг юксалишига замин яратади;

2) корпоратив бошқарув ҳамда корпоратив корхоналардаги модернизациялаш жараёнларининг самарадорлиги ўзаро боғлиқ бўлиб, корпоратив бошқарув шароитида модернизациялаш жараёнларининг нисбатан самарали амалга оширилишига имкон яратувчи ўзига хос омиллар мавжуд;

3) корпоратив муносабатлар турли иштирокчиларининг вазифа ва манфаатлари ўзаро фарқ қилиб, ушбу жиҳатнинг корпоратив корхоналардаги модернизациялаш жараёнларини амалга оширишда ҳисобга олинлиши муҳим аҳамият касб этади;

4) корпоратив бошқарув муносабатлари иштирокчиларининг манфаатлари уйғунлигини таъминлашда модернизациялаш жараёнларини амалга оширишнинг мантқий модели муҳим ўрин тутади;

5) корпоратив корхоналарда модернизациялаш жараёнларини бошқариш самарадорлигини баҳолашда мазкур жараённи амалга оширишнинг мантқий жиҳатдан кетма-кетлигини, бошқариш циклини, бирламчи-оралик ва пировард кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлиги ва изчиллиги матричасини ҳамда бошқарув самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир;

6) амалдаги энгил саноат корхоналарини қуриш, қайта иҳтисослаштириш ва модернизация қилиш бўйича таклифларни Экспертлар кенгаши томонидан кўриб чиқиш тартиби муддат жиҳатдан узоқ бўлиб (айрим тадбирлар бўйича қатъий белгилаб қўйилган муддатлар 37 иш кунини ташкил этади), кўплаб тадбирлар бўйича чора қуриш муддатлари қатъий белгиланмаганлиги мазкур

жараёнларнинг янада чўзилиш эҳтимолини кучайтиради. Шунга кўра, белгиланган муддатларни қисқартириш нуктаи назаридан қайта кўриб чиқиш ва бошқа жараёнлар муддатларини ҳам қатъий белгилаш бошқарув самарадорлигини оширишга имкон яратади;

7) “Ўзбекенгилсаноат” ДАК корхоналарида модернизациялаш жараёнларини такомиллаштириш мақсадида: а) модернизациялаш ва техник қайта куроллантириш дастурларида эскирган жиҳозларни ишлаб чиқариш жараёнларидан босқичма-босқич чиқариб бориш бўйича чора-тадбир ва талабларнинг киритилишини таъминлаш; б) корхоналарда эскирган техника ва технологик линияларнинг мавжудлиги бўйича инвентаризация ўтказилиб, уларни босқичма-босқич чиқариб бориш юзасидан мониторинг ташкил этиш; в) корхона ишлаб чиқариш фаолиятига янги асбоб-ускуналар ва техник жиҳозларни муайян даврда қиймати жиҳатидан бир текисда ҳамда асбоб-ускуналарнинг технологик жиҳатидан жараёнлар узвийлиги ва изчиллигини ҳисобга олган ҳолда киритилишини таъминлаш; г) маҳсулот ва хизматлар ассортиментини кенгайтириш вазифасига алоҳида эътибор қаратиш; д) корхона асосий воситалари таркибидagi оптимал пропорцияларнинг сақланишини таъминлаш зарур;

8) корхоналарнинг ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш жараёнлари бир марталик кампания эмас, балки мунтазам ва доимий равишда, узоқ муддатли режалаштириш асосида амалга ошириладиган муҳим ташкилий-иқтисодий жараёнга айланиши лозим. Айни пайтда, бу жараённинг автоматик тарзда амалга оширилиб боришини таъминловчи механизмларни таркиб топтириш муҳим ҳисобланади;

9) модернизациялаш дастурида ҳар бир корпоратив муносабат ништирокчисининг иқтисодий манфаатини ифодаловчи натижани аниқ (прогноз кўринишида) кўрсатиб бериш мақсадга мувофиқ;

10) модернизациялаш жараёнларининг мунтазам амал қилишини таъминловчи иқтисодий механизмларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этишда акциядорларга корхонани модернизациялаш борасида амалга оширилиши режалаштириладиган ҳамда амалга оширилган ишлар тўғрисида мунтазам ахборот бериб туриш муҳим ҳисобланади;

11) “Ўзбекенгилсаноат” ДАК фаолиятида модернизациялаш жараёнларининг мунтазам амал қилишини таъминловчи яхлит иқтисодий механизмнинг мазмуни ва амал қилиш тамойиллари қуйидагилардан иборат: а) корпоратив бошқарув барча органлари (акционерлар умумий йиғилиши, кузатув кенгаши, бошқарув органи)ни модернизациялашнинг мунтазам равишда амалга оширилиши, бунда тегишли шахсларнинг масъулиги ва ҳисобдорлиги тамойиллари остида ишлашини таъминлаш; б) модернизациялашнинг ташкилий асосларини изчил амалга ошириш; в) техникавий сибсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни “Ўзбекенгилсаноат” ДАК ва унинг таркибига кирувчи корхоналарда бир вақтнинг ўзида ўзаро боғлиқ тарзда амалга ошириш; г) модернизациялашнинг устувор йўналишлари асосидаги дастурлар корхона корпоратив бошқаруви томонидан корпоратив муносабатлар субъектларининг “манфаатдорлик призмаси”дан ўтказилиши; д) корхонанинг

кейинги фаолияти даврида модернизациялашни янада такомиллаштириш бўйича эҳтиёжларни аниқлаб, уларни мазкур механизм орқали мунтазам татбиқ этиб бориш.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Амонбоев М. Диверсификациялаш жараёнининг иқтисодий мазмуни ва ундан корпоратив бошқарувда фойдаланишнинг асосий йўналишлари. //Миллий валюта барқарорлиги ва иқтисодий ўсишнинг ўзаро алоқадорлиги ва таъсири. Республика илмий-амалий анжумани тезислар тўплами, –Т.: ТДИУ, 2009. –Б. 190-191.

2. Амонбоев М. Корпоратив корхоналар фаолиятини модернизациялаш ва диверсификациялашнинг ўзига хос хусусиятлари. //Ўзбекистонда самарали корпоратив бошқарув амалиётини жорий қилиш муаммолари. ДЖҚА қошидаги Корпоратив бошқарув маркази 2-илмий-амалий конференциянинг материаллари. –Т.: 2009. –Б. 193-194.

3. Амонбоев М. Роль дивидендной политики в развитии акционерных обществ Узбекистана. //Двадцать второе международные Плехановские чтения. Тезисы докладов. Российская экономическая академия им. Г.В. Плеханова. –М.: 2009, –С. 417-418.

4. Амонбоев М. Ўзбекистонда акциядорлаштириш жараёнларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. //Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида иқтисодиёт тармоқларини барқарор ривожлантириш: ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари. Тезислар тўплами. –Т.: ТДИУ, 2009. –Б. 77-78.

5. Амонбоев М. Корпоратив корхоналар фаолиятини модернизациялаш ва диверсификациялашнинг ўзига хос хусусиятлари //Иқтисодиёт ва таълим. –Тошкент, 2010 – 2-сон. –Б. 38-40.

6. Амонбоев М. Енгил саноат корхоналарини модернизациялашнинг замонавий бошқарув тизими билан ўзаро боғлиқлиги //Иқтисодиёт ва таълим. –Тошкент, 2010 – 4-сон. –Б. 26-29.

7. Ходисев Б., Карлибаева Р., Амонбоев М., Акрамова Н., Тошходжаев М. Корпоратив бошқарув. //Ўқув қўлланма. –Т.: 2010. –Б. 315.

8. Амонбоев М. Енгил саноат тармоғида модернизациялаш жараёнларини амалга оширишнинг асосий йўналишлари //Биржа эксперт.–Тошкент, 2011 – 1-2 сон. –Б. 45-48.

9. Амонбоев М. Модернизациялаш жараёнларининг мунтазам амал қилишини таъминловчи иқтисодий механизмларни ишлаб чиқиш. //Мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда солиқ тизимининг ролини ошириш масалалари. Тезислар тўплами. –Т.: ТДИУ, 2011. –Б. 81-83.

10. Амонбоев М. “Ўзбекенгилсаноат” ДАҚда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва корпоратив бошқарув механизмларидан самарали фойдаланиш. //Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик социал-иқтисодий юксалиш омили. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. –Ф.: ФарДУ, 2011. –Б. 113-115.

11. Амонбоев М. Диверсификациялаш ва маҳаллийлаштириш дастурлари енгилсаноат корхоналари иқтисодий ўсишининг гаровидир. //Иқтисодий ўсиш ва иқтисодиётни мувозанатли ривожлантиришнинг муҳим омиллари. Тезислар тўплами. –Т.: ЎзМУ, 2011. –Б. 174-176.

12. Амонбоев М. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналар экспорт салоҳиятини ошириш йўллари. //Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: муаммолар, ривожланиш истиқболлари. Республика илмий-малий анжумани маъруза тезислари тўплами. –Т.: 2011, ТДИУ. –Б. 216-217.

13. Амонбоев М. Енгил саноатда корпоратив бошқарувнинг институционал асослари. //Иқтисодиёт ва таълим. –Тошкент, 2011 – 1-сон. – Б. 67-68.

14. Амонбоев М. Енгил саноат тармоғида корпоратив бошқарув механизмларини такомиллаштиришнинг модернизациялаш жараёнлари самарадорлигига таъсири //Иқтисодиёт ва таълим. –Тошкент, 2011 – 2-сон. –Б. 76-79.

15. Амонбоев М. Modernization of activity SJSC “Uzbeklightindustry” and effective usage of corporate governance mechanisms. //“Ideas for Business” – cooperation between Tashkent State University of Economics and the University of Bath under the British Council “Inspire” project. Published at the University of Bath. –Т.: 2011. –P. 55-58.

16. Амонбоев М. Managing of corporative mechanisms by mens of innovation system. //“Ideas for Business” – cooperation between Tashkent State University of Economics and the University of Bath under the British Council “Inspire” project. Published at the University of Bath. –Т.: 2011. –P. 116-117.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Махаммадсидик Амонбоевнинг 08.00.13-“Менежмент ва маркетинг” ихтисослиги бўйича “Корпоратив корхоналар фаолиятини инновацион бошқариш шароитида ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг асосий йўналишлари (“Ўзбекенгилсаноат” ДАК мисолида)” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: корпоратив корхона, корпоратив бошқарув, инновацион бошқарув, модернизация, ишлаб чиқариш, самарадорлик, бошқарув механизми.

Тадқиқот объектлари: “Ўзбекенгилсаноат” ДАК тизимидаги корхоналарни модернизациялашни самарали ташкил этишда корпоратив бошқарув фаолияти.

Ишнинг мақсади: корпоратив корхоналар фаолиятини инновацион бошқариш шароитида ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнларини назарий ва услубий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда улар самарадорлигини ошириш юзасидан илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқот методлари: илмий мушоҳадалаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, монографик тадқиқ этиш, таққослаш, иқтисодий-математик усуллар.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: корпоратив корхоналарни модернизациялаш жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришдаги ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда таҳлилий ишлар, назарий қондалар ва услубий масалаларни ўрганиш асосида модернизациялаш жараёнларини амалга оширишнинг маънавий модели ишлаб чиқилди ва тавсия этилди; корпоратив корхоналарда модернизациялаш жараёнларини бошқариш самарадорлигини баҳолашда мазкур жараённи амалга оширишнинг маънавий жиҳатдан кетма-кетлиги аниқланди ва услубий асослари ишлаб чиқилди; корпоратив корхоналарда модернизациялаш жараёнларини бошқариш самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатувчи бирламчи-оралик ва пировард кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда изчиллиги матричаси ишлаб чиқилди; корпоратив корхоналарни модернизациялаш жараёнларини иқтисодий жиҳатдан баҳолаш мақсадида бошқарув самарадорлигини нфодаловчи кўрсаткичларни ҳисоблашнинг намунавий усуллари тавсия этилди; “Ўзбекенгилсаноат” ДАКда модернизациялаш жараёнларини амалга оширишда турли омиллар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик орқали келтириб чиқарилган регрессия тенгламаси асосида иқтисодий кўрсаткичларнинг истиқбол ҳажми аниқланди; “Ўзбекенгилсаноат” ДАКда модернизациялаш жараёнларини самарали ташкил этишда корпоратив бошқарув механизмларидан фойдаланиш даражасини янада ошириш борасида илмий тавсиялар ишлаб чиқилди; “Ўзбекенгилсаноат” ДАК фаолиятида модернизациялаш жараёнларининг мунтазам амал қилишини таъминловчи яхлит иқтисодий механизмнинг мазмуни ва амал қилиш тамойиллари очиқ берилди.

Амалий аҳамияти: илмий хулоса ва амалий тақлифлардан корпоратив корхоналар модернизациялаш жараёнларининг самарадорлигини ошириш ҳамда корпоратив бошқарув муносабатларини мувофиқлаштириш ва модернизациялаш жараёнларини режалаштиришда фойдаланиш мумкин.

Табииқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: диссертацияда ишлаб чиқилган илмий тавсиялардан корпоратив тузилмаларда модернизациялаш жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш, хусусан модернизациялаш дастурларини тузиш ва амалга ошириш ҳамда “Ўзбекенгилсаноат” ДАКда ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг самарадорлигини оширишда кенг фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқот жараёнида олинган назарий ва амалий натижалар, таҳлилий маълумотларни “Корпоратив бошқарув”, “Инновацион менежмент” каби фанларни ўқитиш жараёнларини услубий таъминлашда қўллаш мумкин.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: корпоратив корхоналарда модернизациялаш жараёнларини амалга оширишда.

РЕЗЮМЕ

диссертации Амонбоева Махаммадсидика на тему: “Основные направления модернизации производства в условиях инновационного управления корпоративными предприятиями (на примере ГАК “Узбекенгилсаноат”) на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.13 – “Менеджмент и маркетинг”

Ключевые слова: корпоративное предприятие, корпоративное управление, инновационное управление, модернизация, производство, эффективность, механизм управления.

Объекты исследования: деятельность корпоративного управления в эффективной организации модернизации предприятий в системе ГАК “Узбекенгилсаноат”.

Цель работы: теоретико-методологическое исследование процессов модернизации в условиях инновационного управления деятельностью корпоративных предприятий и разработка научно-практических рекомендаций по повышению их эффективности.

Методы исследования: научная абстракция, анализ и синтез, индукция и дедукция, статистическая группировка, монографическое исследование, научное сопоставление, экономико-математические методы.

Полученные результаты и их новизна: на основе изучения вопросов анализа, теоретических правил и методологических положений разработана и предложена логическая модель организации и управления процессами модернизации; определена логическая последовательность и разработаны научные основы реализации процессов модернизации корпоративных предприятий с целью оценки эффективности управления; разработана матрица взаимосвязанности и непрерывности первично-промежуточных и конечных показателей, непосредственно влияющих на эффективность управления процессами модернизации корпоративных предприятий; предложены типовые методы расчета показателей эффективности управления с целью экономической оценки процессов модернизации корпоративных предприятий; определены прогнозные значения экономических показателей на основе выработанного уравнения регрессии, показывающее корреляционную зависимость между различными факторами процесса модернизации ГАК “Узбекенгилсаноат”; разработаны научные предложения по повышению степени использования механизмов управления в эффективной реализации процессов модернизации ГАК “Узбекенгилсаноат”; раскрыты сущность и принципы действия цельного экономического механизма процессов модернизации ГАК “Узбекенгилсаноат”.

Практическая значимость: разработанные в процессе исследования основные научные выводы и практические выводы можно использовать в повышении эффективности процессов модернизации корпоративных предприятий, координации корпоративно-управленческих отношений и планировании процессов.

Степень внедрения и экономическая эффективность: разработанные в диссертационной работе научные предложения можно широко использовать в организации процессов модернизации и управления ими в корпоративных структурах, в частности, в составлении планов модернизации и их реализации, повышении эффективности модернизации производства в ГАК “Узбекенгилсаноат”. Также, полученные теоретические и практические результаты, аналитическая информация можно применять в качестве методологической базы в обучении таких дисциплин, как “Корпоративное управление”, “Инновационный менеджмент” и т.д.

Область применения: при реализации процессов модернизации в корпоративных предприятиях.

RESUME

Thesis of Amonboyev Mahammasidik on the scientific degree competition of the candidate of economic sciences on speciality 08.00.13 Management and marketing, subject: "The main directions of modernization in terms of innovative governance of corporate enterprises" (by the example of State JSC "O'zbekyengilsanoat").

Key words: corporate business, corporate governance, innovative management, modernization, production, efficiency, control mechanism.

Subjects of research: the activities of corporate governance in the effective organization of the modernization of enterprises in the State JSC "O'zbekyengilsanoat"

Purpose of work: theoretical and methodological study of the processes of modernization in terms of innovative management of corporate enterprises and the development of scientific and practical recommendations to improve their efficiency.

Methods of research: scientific abstraction, analysis and synthesis, induction and deduction, statistical grouping, monographic research, scientific comparison, the economic-mathematical methods.

The results obtained and their novelty: by studying the issues of analysis, theoretical and methodological provisions of the rules developed and proposed a logical model of organization and management processes of modernization, defined logical sequence and developed the scientific bases of realization of the modernization process of corporate enterprises to assess the effectiveness of management; developed matrix cohesion and continuity of primary and intermediate outcome indicators that directly affect the effectiveness of management processes of modernization of corporate enterprises, proposed standard methods for calculating performance-management systems to assess the economic processes of modernization of corporate enterprises, defined forecasted values of economic indicators on the basis of worked out the regression equation showing the correlation relationship between various factors of modernization JSC "O'zbekyengilsanoat", developed research proposals to improve the utilization of management tools to effectively implement the processes of modernization JSC "O'zbekyengilsanoat", disclosed the nature and principles of the whole economic machinery of modernization JSC "O'zbekyengilsanoat".

Practical value: the research process developed in the basic scientific findings and practical conclusions can be used to enhance the modernization process of corporate enterprises, coordination of corporate and management relations and planning processes.

Degree of embed and economic effectivity: designed in the dissertation research proposals can be widely used for organizing the processes of modernization and management of corporate structures, in particular, to draw up plans for modernization and implementation, enhance the modernization of production in JSC "O'zbekyengilsanoat". Also, the theoretical and practical results, analytical information can be used as a methodological basis for teaching subjects such as "Corporate Governance", "Innovation Management", etc.

Field of application: the implementation of the modernization process in corporate enterprises.

Қорос бачиқли	1,3 б.т.
Босилишга рухсат этияди	03.10.2011 й.
Тиражи	100 нуска
Буқорғма №	468

Тошкент давлат иқтисодийт университети
«ТАЛИАБА» янги ахборот технологиялари марказининг
«RISO» нуска кўчарини техникасида чоп этилди

Тошкент, Ўзбекистон
шоҳдўчаси, 49-уй